

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил „ 7 “ январь № ПҚ-4097 „ “ 20 г.

Тошкент шаҳрида Амита Университетини ташкил этиш тўғрисида

Замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мувофиқ мамлакат иқтисодиёти тармоқлари учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрларни касбга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Ҳиндистон Республикасининг етакчи олий таълим муассасалари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги стратегик ҳамкорликни кенгайтириш ва янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 4 октябрдаги ПҚ-3958-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Амита Университетининг (Ҳиндистон Республикаси) илғор ҳинд тажрибаси асосида Тошкент шаҳрида Амита Университетини (кейинги ўринларда – Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Университет фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича халқаро стандартлар даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаш;

республика олий таълим тизимида замонавий таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини ташкил қилиш бўйича илғор халқаро тажрибани татбиқ қилиш, очиқ ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришга кўмаклашиш;

республикада узлуксиз таълим тизимини шакллантиришга ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар малакасини оширишга, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, ишлаб чиқариш корхоналари, саноат тармоқлари ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатишга кўмаклашиш;

аниқ иқтисодиёт тармоқларининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни назарда тутувчи мақсадли таълим дастурларини ташкил қилиш учун шароитлар яратиш.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, Амита Университети (Ҳиндистон Республикаси):

Университет кутубхона фондиди замонавий адабиётлар, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдириш ҳамда шакллантиришга, шунингдек, Амита Университети (Ҳиндистон Республикаси) ресурс базасидан фойдаланиш имконини бериш орқали, замонавий ахборот-ресурс марказини ташкил қилишга;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ёш истиқболли маҳаллий илмий-педагогик кадрларни, шу жумладан чет элда малакасини ошириш ва стажировкасини ташкил қилишга кўмаклашади.

4. Белгилансинки:

а) Университет олий таълим муассасаси – юридик шахс мақомига эга Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланади, алоҳида мулкка, мустақил балансга эга, ўз мажбуриятлари юзасидан ўз тасарруфида бўлган пул маблағлари ва мулки билан жавоб беради;

б) Университет Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонунчилиги талабларини эътиборга олган ҳолда, Амита Университетининг (Ҳиндистон Республикаси) амалиётида фойдаланиладиган таълим режалари ва дастурлари асосида таълим фаолиятини амалга оширади;

в) Университетнинг таълим фаолияти 2019/2020 ўқув йилидан бошланади;

г) Университетга абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Амита Университети (Ҳиндистон Республикаси) томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

д) Университет кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Амита Университети (Ҳиндистон Республикаси) билан келишилган ҳолда ўқитишнинг асосий бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашни амалга оширади;

е) Университетда ўқитиш инглиз тилида кундузги, сиртки ва кечки шаклда, тўлов-контракт асосида ҳамда юридик шахслар – потенциал иш берувчилар томонидан тақдим этилган таълим грантлари бўйича, шунингдек, ёшларни, кўпроқ мамлакат ҳудудларидаги ёшларни ўқитишга ажратилган хайрия маблағлари ҳисобига олиб борилади;

ж) Университетда ўқишни тамомлаган битирувчиларга Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган Амита Университетининг (Ҳиндистон Республикаси) белгиланган намунадаги дипломи берилади;

з) Университетга қабул қилиш квотаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларининг мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Амита Университети

(Ҳиндистон Республикаси) билан келишилган ҳолда, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳайъати қарори билан тасдиқланади;

и) Университетни ташкил этиш, унинг моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш, шу жумладан таъмирлаш ишларини олиб бориш, бино ва қурилмаларни мебель жиҳозлари, инвентарлар, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер ва бошқа техника билан таъминлаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

к) Университетни фаолиятини молиялаштириш талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишга тўловлардан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар, халқаро молия институтлари грантлари, Амита Университети (Ҳиндистон Республикаси) маблағлари, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

л) Амита Университетидан (Ҳиндистон Республикаси) жалб қилинадиган профессор-ўқитувчилар таркибининг хизмат сафари харажатларига ҳақ тўлаш:

30 кунгача бўлган қисқа муддатли хизмат сафарида – Ҳиндистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган олий таълим муассасалари ходимлари учун белгиланган норма бўйича;

узоқ муддатли хизмат сафарида – ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиқиб, имзоланган шартномалар шартлари асосида амалга оширилади.

5. Тошкент шаҳридаги Амита университетини ташкил этиш бўйича ташкилий комиссияси таркиби иловага мувофиқ тузилсин.

Ташкилий комиссияга қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

Университет фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий, молиявий, ҳуқуқий, иқтисодий, ўқув-методик, моддий-техник ва бошқа масалаларни ҳал этиш доирасида Университетни ташкил этиш жараёнига жалб қилинган органлар ва манфаатдор томонлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Университетни ташкил этиш масалалари бўйича Амита Университети (Ҳиндистон Республикаси) раҳбарияти билан музокаралар олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш;

зарур лойиҳа, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳамда Университетни жиҳозлаш, инфратузилмасини яратиш, моддий-техник таъминлашга доир графикларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Университетни ташкил этиш бўйича тасдиқланган графикларда белгиланган вазифаларнинг муддатида бажарилиши юзасидан тизимли назорат ва мониторинг олиб бориш.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Амита Университети (Ҳиндистон Республикаси) билан келишилган ҳолда қуйидагиларни таъминласин:

икки ой муддатда Университет Уставини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш;

2019 йил 1 августга қадар танлов асосида Университетни малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан, шу жумладан юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилишни кўзда тутган ҳолда тўлдириш;

2019 йил 20 августга қадар Университет бино ва иншоотларини куриш ва реконструкция қилиш, уларни мос равишда тегишлилиги бўйича керакли мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва бошқа техника, кутубхона фонди билан жиҳозлаш.

7. Университетга:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Амита Университети (Ҳиндистон Республикаси), Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ҳолда кадрларга бўлган реал эҳтиёж ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларидан келиб чиқиб, янги истиқболли бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очишга;

Университетга ўқитувчилик ва илмий иш қилиш учун таклиф этиладиган хорижий профессорлар ва ўқитувчиларнинг яшаши ҳамда транспорт харажатлари учун тузиладиган шартномалар асосида, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича ҳақ тўлашга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси, 70-уйда жойлашган Тошкент алоқа касб-хунар коллежи бино ва иншоотларини туташ ҳудудлари билан бирга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига келгусида Университетни жойлаштириш мақсадида бепул фойдаланиш учун берсин.

9. 2024 йил 1 январга қадар муддатга:

а) Университет – барча турдаги солиқларни ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмаларни;

Университетга ишга жалб этиладиган хорижий ходимлар – ягона ижтимоий тўлов ва жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни;

Амита Университети (Ҳиндистон Республикаси) – Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятдан ҳам доимий муассаса орқали, ҳам тўлов манбаидан олинган даромадлар бўйича фойда солиғини тўлашдан;

б) Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Университетни куриш, жиҳозлаш, фаолиятини ташкил этиш ва кейинги фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб келинадиган ускуналар, компьютер техникаси, ўқитишнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари, дастурий маҳсулотлар ва инвентарлар божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига Университетни ташкил этиш доирасида, истисно тариқасида:

Университет бино ва иншоотларини ўрнатилган шаҳар қурилиши норма ва қоидаларига риоя қилган ҳолда, параллел равишда лойиҳалаштириш ва молиялаштириш асосида Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 70-уй манзилида қуриш ва реконструкция қилишга;

Университетни ташкил этиш ва кейинги фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган лойиҳа ва пудратчи ташкилотларни, шунингдек, ускуналар, компьютер ва бошқа техникаларни, ўқитишнинг техник воситаларини, ўқув адабиётларини, мультимедия маҳсулотлари, дастурий маҳсулотлар, инвентарларни ҳамда бошқа моддий-техник ресурсларни етказиб берувчиларни тендер (танлов) савдоларини ўтказмасдан, энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида аниқлашга рухсат берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Университет буюртманомаларига кўра мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилиши таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Университет буюртманомаларига кўра Университетнинг хорижий профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат божларини ундирмаган ҳолда кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Университет буюртманомаларига кўра хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти олиб бориш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг ўрнатилган тартибда берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиқов ва Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев